



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Йўлқурилиш» АЖ
Раис ўринбосари в.б.

А.Аулов

**«Йўлқурилиш» АЖ ҳамда тизим корхоналарида 9 декабрь «Халқаро
коррупцияга қарши кураш куни»га бағишланган давра суҳбати
БАЁННОМА**

Тошкент ш.

05.12.2023 й.

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли ва «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 06.06.2021 йилдаги ПФ-6257-сонли Фармонлари, «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 06.06.2021 йилдаги ПҚ-5177-сонли Қарори ижроси ҳамда 9 декабрь «Халқаро коррупцияга қарши кураш куни» мазмун моҳияти юзасидан

(А.Аулов, Ғ.Ахатов, А.Ахмедова, Ж.Мухиддинов, Д.Арзиқулов, Х.Махмудов, Б.Жалалов, И.Турдиев, Ш.Арзиқулова, А.Нурумов, А.Казакбаев, О.Тўхтаев, Д.Холдороров ҳамда (ВКС орқали) тизим корхоналари раҳбар ва ходимлари, А.Аулов)

Йиғилишда раислик қилувчи Бошқарув раиси ўринбосари в.б. А.Аулов кун тартибидаги масала юзасидан «Йўлқурилиш» АЖ ҳамда тизим корхоналарида коррупцияга қарши муросасиз курашиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормаларга сўзсиз риоя қилиш кераклиги борасида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, кун тартибидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар мазмун ва моҳияти бўйича тушунтириш бериш юзасидан Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Ж.Мухиддиновга сўз берди.

Сўзга чиққан Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Ж.Мухиддинов 9 декабрь Халқаро коррупцияга қарши кураш куни деб Халқаро миқёсда эълон қилинганлиги, Республикамизда коррупцияга қарши кескин курашнинг олиб борилаётганлиги, бу борадаги Ўзбекистон

Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.05.2019 йил ПФ-5729-сон ва “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПФ-6257-сон Фармонлари, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПҚ-5177-сон Қарори каби норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси Коррупцион жиноятлар ва уларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омиллар, бу борада қонун нормаларининг амалиётда қўлланилиши ва жазо чораларининг кучайтирилиши, коррупцион жиноятларга қарши муросасиз курашиш кераклиги, коррупцион ҳолатларга дуч келинганда зудлик билан раҳбариятга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш зарурлигини айтиб ўтди.

«Йўлқурилиш» АЖнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари ва бошқалар бирма-бир сўзга чиқиб улар ўз сўзларида коррупцияга қарши курашиш борасида, унинг қандай ёмон оқибатлар келтириб чиқариши тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Бошқарув раис ўринбосари в.б. А. Аулов мажлисни яқунлар экан, мажлисда иштирок этган барча йиғилиш қатнашчиларига миннатдорчилик билдириб, бугунги кўрилган масала юзасидан коррупцияга қарши олиб борилиши лозим бўлган ишларни кучайтириш, ходимлар меҳнат интизомига тўлиқ риоя этилишини таъминлаши, ўзаро ҳурмат масалаларига ҳам тўхталиб, тизимда барча ходимлар бир-бирларига хушмуомалада бўлиш, уларга нисбатан таъмагирлик қилмаслик, ватанга ҳамда бурчига содиқ бўлиши каби тавсиялар билан яқунлади.

Юқоридагиларга ҳамда йиғилиш якунига асосан

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли ва “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПФ-6257-сонли Фармонлари, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 06.06.2021 йилдаги ПҚ-5177-сонли Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. «Йўлқурилиш» АЖ ҳамда тизим корхоналари раҳбар ва ходимлари коррупцияга қарши мурасасиз курашиш чоралари кўрилсин, агарда коррупция ҳолатларига дуч келганда зудлик билан Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлимини (Ж. Мухиддинов) хабардор қилинсин.

3. Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (Ж. Мухиддинов):

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан коррупцияга қарши курашиш масаласида доимий равишда ҳамкорлик олиб боришни йўлга қўйилсин;

«Йўлқурилиш» АЖ ҳамда тизим корхоналари раҳбар ва ходимлари ўртасида коррупцияга қарши кескин кураш ишлари кучайтирилсин ҳамда доимий назоратга олиниб, ходимлар ўртасида мазкур соҳада ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилсин.

Котиб



Ж.Мухиддинов









































Ғ.Ахатов

А.Ахмедова

Х.Махмудов

Д.Арзикулов

И.Турдиев

Б.Жалалов

А.Нурумов

Б.Юлдашев

Ш.Арзикулова

Э.Акбаров

Р.Холматов

М.Саломов

Д.Каримов

А.Казакбаев

Ж.Бегалиев

С.Хусниддинов

Э.Умаров

Д.Холдаров